



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 50 (13.383)

Баҳоси эркин нарҳда

ХАЛҚ ИШОНЧИ ЯНАДА ЮКСАК МАРРАЛАРНИ ЭГАЛЛАШГА РУҲЛАНТИРМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 10-11 март кунлари Бухоро вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташрифнинг биринчи кунда вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар билан танишди. Қишлоқ ҳўжалиги, енгил саноат ва энергетика, транспорт-коммуникация, тиббиёт ва туризм соҳаларидаги лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Бухоро вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш масалаларига бағишланган йиғилиш танқидий-таҳлилий руҳда ўтди.

Ушбу тadbирларда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастуридаги мақсад-вазифалар ўз ифодасини топди.

Ташрифнинг иккинчи кунги Президентимиз Шавкат Мирзиёев Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиалида бўлиб, бу ерда бажарилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларини кўздан кечирди.

Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизими тубдан ислох этилмоқда. Касалликларни профилактика қилиш ва самарали даволаш мақсадида тиббиётнинг барча бўғини фаолияти такомиллаштирилмоқда, жойларда янги замонавий шифохоналар ташкил этилмоқда.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг 1998 йил 10 ноябрдаги Фармони асосида Бухоро шаҳар касалхонаси негизда ташкил этилган бўлиб, 255 ўринга эга.

Ушбу муассаса биносини ҳаҳон стандартларига мос

таъмирлаш, бўлимларни замонавий тиббий технологиялар, асбоб-ускуналар билан таъминлаш, янги қабулхона, реанимация, компьютер-томография, операция хоналари қуриш мўлжалланмоқда. Янги тез тиббий ёрдам машиналари олиб келинади.

Тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини юксалтириш халқимизни рози қилишда муҳим аҳамиятга эга, деди давлатимиз раҳбари. Шошилинч тиббий ёрдам тизимини дунё талаблари даражасига олиб чиқиш, унинг самарали фаолияти юртидашнинг таъминлаш аҳолининг ҳам, бугунги замоннинг ҳам талабидир.

Мутахассислар Президентимизга Республика ихтисослаштирилган урология марказининг Бухоро филиалида амалга оширилаётган таъмирлаш ишлари ҳақида сўзлаб берди.

Мазкур муассасада эндоурологик операциялар, масофавий литотрипсия, ультратовуш ва рентген текшируви хоналари, уродинамик лаборатория қурилади, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланади.

Бухоро давлат тиббиёт институтининг янги ўқув биноси ва клиникаси қурилиши кўзда тутилган. Юқори малакали шифокор кадрлар тайёрлаш замонавий моддий-техника базаси ва ҳажон андозалари даражасидаги биноларга эга бўлган олий ўқув юрти фаолиятига бевосита боғлиқ. Бухоро давлат тиббиёт институти учун 900 ўринга мўлжалланган янги ўқув биноси, 200 ўринли таркибий-функционал бўлимлардан иборат клиника қурилиши ва уларнинг замон талабларига мос жиҳозланиши шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда.

Соҳада етук мутахассисларни тарбиялашда дунё тажрибасидан фойдаланиш, хориждаги етакчи олий таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, аҳолининг

тиббий маданиятини янада ошириш бўйича зарур кўрсатмалар берилди.

Президентимиз Вобкент тумани тиббиёт бирлашмасида амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари лойиҳасини кўздан кечирди.

Кейинги йилларда туман тиббиёт бирлашмасида қатор қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган. 2014 йилда 250 қатновга мўлжалланган кўп тармоқли марказий поликлиника қурилган. 2015 йилда ҳар бири 30 ўринли бўлган шошилинч тиббий ёрдам ва хирургия бўлимлари биноси барпо этилган. 2016 йилда туғруқ комплекси, болалар ва юқумли касалликлар бўлимлари капитал таъмирланган.

Жорий йилда бу борадаги ишларни давом эттириб, терапия, қон қуйиш, лаборатория бўлимларини капитал таъмирлаш, дорихона ва бошқа биноларни қуриш режалаштирилган. Бу беморларга тез ва сифатли ёрдам кўрсатиш, тиббий маданиятни юксалтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ врачлик пунктларини оптималлаштиришда аҳолининг талабини ҳисобга олиш, тиббий жиҳозлардан унумли фойдаланиш, малакали кадрларни ишга жалб этиш, касалликларни самарали даволаш билан бирга уларни профилактика қилиш бўйича зарур топшириқлар берди.

Истиқлол йилларида Бухоро вилоятида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Янги уй-жойлар, маданият-маиший объектлар, йўл ва кўприклар, хизмат кўрсатиш шохобчалари, маданият ва спорт мажмуалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу борадаги ишлар бугун ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН БЕРЛИНДАГИ ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ЯРМАРКАСИДА

Германия пойтахти Берлин шаҳрида бўлиб ўтган "ITB Berlin – 2017" халқаро туризм кўргазмасида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳияти кенг намойиш этилди.

Бу кўргазма энг йирик халқаро сайёҳлик анжуманларидан бири бўлиб, бу йил унда 187 мамлакатдан ўн мингдан зиёд фирма ва компания вакиллари иштирок этган. Кўргазмага икки юз мингдан ортиқ киши ташриф буюрган. Мазкур тadbир сайёҳлик саноатининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган бўлиб, унда саёҳат, фаол туризм, спорт туризми ва спорт маҳсулотлари, сайёҳлик ва ахборот технологиялари, ёшлар туризми, экотуризм, маданий сайёҳлик, сайёҳлик бизнеси, круиз каби йўналишларга оид ўнлаб бўлимлар ишлади.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитасидан маълум қилишларича, "Messe Berlin" кўргазма мажмуасида ўтказилган аънавий анжуманда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти, мамлакатимизнинг "Asia Adventures", "Havas Tour", "Compass Tour", "Registon Travel", "Sitora International", "Sarbon Tour", "Olympic Tour Service", "Azimut Samarkand Travel", "Dolores Travel Services", "Euroasia Travel", "Bella Asia", "Oriental Tales" каби қатор сайёҳлик компаниялари ўз хизматларини намойиш этди. Ямарка иштирокчилари мамлакатимизда туризм соҳасида яратилган шарт-шароитлар, тақлиф этилаётган хизматлар, меҳмонхоналар, сайёҳлик операторлари ва агентлари фаолиятига оид кўплаб маълумотлар билан танишди.

Ушбу нуфузли туризм форумидан ўрин олган "Ўзбекистон" миллий стенди ўзига хос дизайни, миллий безаклари ва мазмунан бойлиги билан кўргазма иштирокчиларининг эътиборини тортиди. Мамлакатимизнинг қадимий шаҳарлари, диққатга сазовор жойлари ҳақидаги маълумотлар ва суратларни ўз ичига олган альбомлар, кутла ва нашрлар, халқ амалий санъати намуналари барчада бағла таассурот қолдирди. Миллий кўй-қўшиқларимиз ва ранг-баранг рақсларимиз ижроси, серкўёш заминимизда етиштирилган сархил мевалар ҳамда миллий таомларимиз йиғилганларга гоят манзур бўлди.

"ITB Berlin – 2017" халқаро кўргазмаси мамлакатимиздаги сайёҳлик хизматларини халқаро туризм бозорларига тақлиф этиш, ушбу соҳа вакиллари билан ҳамкорлигини кенгайтириш имконини берди.


Кўргазма доирасида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси раиси А.Шаропов раҳбарлигидаги делегация Германия Бундестагининг туризм ва спорт бўйича қўмитаси, Германия сайёҳлик уюшмаси, Савдо-саноат палатаси каби қатор халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди. Музокаралар давомида сайёҳлик соҳасидаги икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш, ҳамкорликда амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонасида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган анжуман ўтказилди. Сайёҳлик соҳаси вакиллари иштирок этган тadbирда туризм соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўз юритилди. Мамлакатимизнинг табиий, тарихий ва маданий мероси, диққатга сазовор жойлари, сайёҳлик соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Меҳмонхонага мижоз кириб келади, меҳмонларни кутиб олиш ва қабул қилиш бўлими ходимидан бўш жой бор-йўқлигини сўрайди.



ЕТУК МУТАХАССИС – СОҲА ИСТИҚБОЛИ

Роль ўйнаётган талабаларни ўқитувчи шу ерда тўхтатади ва тушунтиради:

– Мижозларни юқори маданий-эстетик талаблар асосида кутиб олиш, тез ва тартибли жойлаштириш меҳмонхона ишида энг муҳим босқичдир. Меҳмондаги илк таассурот ушбу жараёнда ҳосил бўлади...

Тошкент давлат иқтисодиёт университети халқаро туризм факультетининг "Туризм ва сервис" кафедраси ўқитувчиси Дилноза Умирова меҳмонхона хизматларининг тавсифи ва ўзига хос хусусиятларига оид дарсни факультетнинг янги ўқув амалиёт марказида олиб бормоқда.

Меҳмонларни кутиб олиш ва қабул қилиш бўлими, ресторон ва кафе-бар, ётоқхона павильонлари шинам жиҳозланган ушбу марказда талаба-

лар мижозларни кутиб олиш, рўйхатдан ўтказиш, дастурхона таом тартиш, меҳмонлар билан муомала қилиш, юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича амалий машғулотлар ўтказмоқда.

– Ўқув амалиёт марказимизда худди замонавий меҳмонхоналардагидек муҳит яратилган, – дейди Д.Умирова. – Меҳмонларни кутиб олиш ва қабул қилиш бўлими ахборот-коммуникация технологиялари, ресторон жажон стандартларига мос жиҳозлар, замонавий дизайнга эга ётоқхона зарур мебеллар билан таъминланган. Мақсад – ёшлар олаётган назарий билимларини кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб мустаҳкамлаш. Меҳмонхона ишида амалий кўникмаларга эга, ўз ишининг етук мутахассиси бўлиб етишсин.

Дарҳақиқат, ҳар бир соҳа истиқболи ундаги кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Сайёҳларга юқори сифат ва тез хизмат кўрсатишга қодир, мамлакат географияси, тарихи, осори-атикалари, миллий кадриятлар, урф-одат ва аънавларни чўқур биладиган, чет тилларида бемалол сўзлаша оладиган мутахассислар туризм тараққиётида муҳим роль ўйнайди.

Мамлакатимизда қадимий обидаларимиз, ёдгорликларимиз, табиатимиз гўзаллигини кенг тарғиб этиш, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, дунё халқлари билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият қасб этувчи туризм соҳасини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВА ГЕРМАНИЯ КАНЦЛЕРИ БИР-БИРЛАРИНИ ҚУТЛАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Ангела Меркель Ўзбекистон Республикаси ва ГФР ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан табрик йўллаган.

ГФР канцлерининг қутловида бундай дейилади: "Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил тўлди. Ўтган вақт давомида ўзаро ҳамкорлигимиз турли соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Германия билан Ўзбекистон иқтисодиёт, хавфсизлик ва маданият соҳаларида, шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасида ишончли ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Германия Федерал ҳукумати Ўзбекистон Республикасини парламент ваколатларини кенгайтириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ҳуқуқий тизимни ислох қилишга қаратилган 2017-2021 йилларда мамлакатни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда ҳамкор сифатида қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, минтақа давлатлари билан ташқи сийosatнинг устувор йўналишлари сифатида Сиз белгилаб берган дўстона ва яқин қўшничилик муносабатларини янада ривожлантиришни Германия қўллаб-қувватлашни таъкидламоқчиман.

Давлатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ва унинг халқига тинчлик, эркин ва фаровон ҳаёт, мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги янада кенгайишини тилайман". Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қутловида бундай дейилади: "Мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам асосга эга бўлган, изчиллик ва ўзаро ишонч руҳидаги яқин ҳамкорлик энг юксак эътирофга лойиқдир. Биз Ўзбекистон мустақилликка эришганда бошлаб мустақил тараққиётимиз ва суверенитетимизни Германия қатъий қўллаб-қувватлаб, кенг кўламли демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда амалий ёрдам кўрсатиб келаётганини юксак қадрлаймиз".

Давлатимиз раҳбари қуйидагиларни алоҳида таъкидлаган: "Бугунги кунда Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида сиёсий маслаҳатлашувлар, Савдо ва инвестициялар бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳ, Ўзбекистон – Германия ишбилармонлар кенгаши, Ўзбекистондаги немислар масалалари бўйича ҳукуматлараро комиссия каби институционал механизмлар ташкил этилган ва самарали фаолият кўрсатмоқда, 140 дан ортиқ битимдан иборат кенг қамровли шартномавий-ҳуқуқий база шакллантирилган".

Қутловда гуманитар алоқалар ҳам фаол ривожланаётгани мамнуният билан қайд этилган. Бугун Ўзбекистонда Гёте институти, К.Аденауэр ва Ф.Эберт номидagi жамғармалар, Хориждаги мактаблар марказий бошқармаси ва бошқа ташкилотлар ваколатхоналари муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти "Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик ва томонларнинг манфаатлари инобатга олинган принципларга асосланган икки ва кўп томонлама ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни дундан кейин ҳам изчил давом эттириш зарур", деб ишонч билдирган.

ЎЗА

• Андижон вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Оилавий тadbиркорлик тўғрисида"ги қонуннинг оилавий қорхонага банк хизмати кўрсатиш ҳамда кредит ажратиш борасидаги қисмининг мазкур ҳудудда ижро этилишини ўрганиш натижалари қўриб чиқилди.

• Тошкент вилоятида "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси ташаббуси билан "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури доирасида кўргазмали семинар ташкил этилди.

• Япониянинг Фукусима атом электр станцияси атрофидаги айрим ҳудудларда

истиқомат қилган аҳоли яна ўз уйларига қайтиб келмоқда. Бунга кунча олимларнинг эълон қилган маърузасига қўра баъзи жойларда радиация даражаси пазайиб бораётганининг таъкидлангани сабаб бўлди. Айтиш кераки, АЭС атрофидаги айрим ҳудудларда радиация даражаси ҳатто 60 фоизга камайган. Олимлар бунга сабаб сифатида ёмғир ва қор ёғиши каби табиат ҳодисаларини кўрсатишмоқда.

• Миср пойтахти Кохира шаҳрида оқава сув иншоотини бунёд этиш мақсадида қазил ишлари олиб борилаётган пайтда бундан 3 минг йил аввал ушбу давлатни бошқарган фиръавн Рамзес IIнинг 8 метрлик ҳайкали қолдиқлари топилди. Ушбу ҳайкал археология тарихида жуда ноёб топилма бўлди, дея баҳоланмоқда.

ХАЛҚ ИШОНЧИ ЯНАДА ЮКСАК МАРАЛАРНИ ЭГАЛЛАШГА РУХЛАНТИРМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Шавкат Мирзиёевга Бухоро шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Бухоронинг марказий қўчаларида бирига Биринчи Президентимиз Ислам Каримов номи берилди. Ушбу кўча қиёфасини ўзгартириш, унинг икки томонида замонавий бинолар барпо этиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилган. Унга қўра, кўчада Хотира майдони, Санъат саройи, турар жой бинолари ва бошқа объектлар барпо этиш режалаштирилган.

Ислам Каримов ва Ибн Сино кўчалари кесишган жойда Универсал спорт мажмуаси бунёд этилди. Президентимиз ушбу мажмуа лойиҳасини кўздан кечирди.

2018 йилда фойдаланишга топширилаётган мажмуада 15 спорт тури бўйича мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги мусобақаларни ўтказиш учун барча имкониятлар яратилади. Ундан 4 минг томошабинга мўлжалланган зал, учта машғулотлар зали, тўртта теннис корти, бассейн ўрин олади. Мажмуа спортчиларни тайёрлаш, мураббийлар малакасини ошириш, спорт методикаси бўйича намунавий марказ бўлади. Бундан ташқари, мажмуада байрам тадбирлари, концерт ва форумлар ташкил этиш учун қўлайликлар яратиш режалаштирилган.

Бухорода спортнинг бокс, кураш каби турлари ривожланган. Келажақда ушбу спорт мажмуаси вилоятда бошқа йўналишлар бўйича ҳам Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрўсини юксалтиришга қодир етук спортчиларни тайёрлашга хизмат қилсин, деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев. Мажмуада очик ва ёпиқ спорт майдонлари қуриш лозим. Вилоятдаги спорт иншоотларини инвентаризация қилиш, уларни муайян спорт турига ихтисослаштириш ва оммавийлигини ошириш, вилоятда спорт мураббийлари тайёрлашни янада кенгайтириш керак.

Бухоро шаҳрининг Фихрулов, Баҳроуддин Нақшбанд, Ибн Сино, Навоий кўчаларида кўп қаватли 50 уй қурилади. 2017-2018 йилларда барпо этиладиган бу турар жойлар аҳолини арзон ва замонавий уйлар билан таъминлаш, турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Етти қаватли олтинта замонавий арзон уй мустақиллигининг 26 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади.

Давлатимиз раҳбари янги уйларда барча ижтимо-

ий-маиший шароитни яратиш, уларни қуришда миллий ва замонавий архитектура талабларини, маҳаллий иқлимни ҳисобга олган ҳолда иш тўғрисида зарурлигини таъкидлади.

Бухоро шаҳрида транспорт воситалари ва пиёдалар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар режаси ҳам муҳокама этилди. Ушбу лойиҳага мувофиқ шаҳардаги халққа йўлларини тақомиллаштириш, туманлардан вилоят марказига келувчи йўлларни, жумладан, айланма чорраҳаларни тартибга солиш мўлжалланмоқда.

Йўлларни сифатли қуриш, транспорт воситаларининг эркин ҳаракатланишини ҳисобга олиш бўйича тавсиялар берилди. Йўллар атрофини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди.

Маиший чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш тизимини тақомиллаштиришга оид лойиҳа тақдироти ҳам ўтказилди. Мазкур лойиҳа атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳудуддаги санитария ҳолатини янада яхшилаш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади. Умумий қиймати 4 миллион 700 минг АҚШ доллари бўлган ушбу лойиҳа "Аҳолитранс" масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилади. Бугунги кунда Миллий банкнинг 970 минг долларлик кредити эвазига Хитойдан замонавий техника ва чиқинди саралаш линияси олиб келинди. Яна олтинта линияни сотиб олиш бўйича шартномалар тузиш мўлжалланмоқда.

Президентимиз маиший чиқиндиларни қайта ишлаш экологик муаммоларнинг олдини олиш ва ҳудудларнинг иқтисодий самарадорликка эришишида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Бухорода тарихий ёдгорликлар, диққатга сазовор жойлар кўп. Улар замон талаблари асосида таъмирланиб, сайёҳлар учун зарур шароитлар яратилаётгани натижада вилоятда туризм изчил ривожланиб бораётди. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада янада кенг имкониятлар яратмоқда.

Шавкат Мирзиёев шаҳарнинг тарихий қисмида аънавий хунармандлик устаноларини жамланган икки қаватли уйлардан иборат хунармандлар мавзеси қуриш лойиҳаси билан танишди.

Бухоро – ҳайрат ва мўъжизалар макони. Ёдгорликлар халқимиз билан тақдирдош. Мустақиллик йилларида ушбу обидалар таъмирланди, яна асл қиёфасида жамол очди.

Икки томонда хунармандлик дўконлари жойлашган йўлак бўйлаб борар экан, Президентимиз мазкур йўлакларни кенгайтиришни, дўконларни икки қаватли қилиб қайта қуриш лозимлигини таъкидлади. Хунармандлар билан сўхбатлашди.

Иккинчи қаватда хунарманд усталар яшаса, биринчи қаватда уларнинг дўкон ва устоналари жойлаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлади, деди давлатимиз раҳбари. Бу ерда маҳсулотларни тайёрлаш ва сотиш жараёни уйғунлаштирилиши керак. Рубоб ясаётган устани, гилам ёки газлама тўқиётган хунармандни иш устида кўрган ҳар қандай одам завқланади.

Истиқлол йилларида Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий ва маънавий қадриятларимизни, тарихий обидаларни тиклаш, уларни асраб-авайлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. 1997 йил Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан Пойи Калон мажмуаси ҳам тубдан таъмирланди. Масжиди Калон, Минораи Калон ва Мир Араб мадрасасидан иборат мазкур меъморий ансамбл вилоят аҳолиси ва меҳмонларининг севимли масканларидан биридир.

Давлатимиз раҳбари юртдошларимиз ва хорижлик сайёҳларга янада қўлайлик яратиш мақсадида хунармандлик расталари, дўконлар ўрнига миллий аънаваларимиз акс этган, замонавий расталар қуриш, ташриф буюрганларга кечки сайр имкониятини яратиш, миллий хунармандлик аънавалари ва кўнгличлар дастурлар намойиш қилиш бўйича тавсияларни билдирди. Масжиди Калон ва Мир Араб мадрасаларини қайта таъмирлаш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бухоро вилоятидаги Халқ қабулхонасида ҳам бўлди.

Бугун Бухоро вилояти илгари мисли кўрилмаган катта ўзгаришлар, юксалишлар жараёни билан яшамоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг халқимизга ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги эзгу сайёҳаракатларининг амалий ифодасидир.

ЎЗА

Мамлакатимизда тадбиркорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратиладиган эътибор тўғрисида турли йўналишда фаолият юритувчи ишбилармонлар сони ортмоқда. Улар орасида биз учун арзimas, назаримизда пул сарфлашга ҳам ҳожати йўқ баъзи маҳсулотларга озгина ишлов бериб, экспортга чиқараётган ишбилармонлар ҳам борки, уларнинг тажрибаси бемалол ўз бизнесини бошлаш ниятидагиларга ўрнак бўлса ажаб эмас.

ИШБИЛАРМОНЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Гап нима ҳақида экан дея турли тахминлар қилаётган бўлсангизда, бу маҳсулотни нима экани ҳақини билмайсиз бирдан келмайди. Яхшиси бу ҳақида тадбиркорнинг ўзиндан билиб оламиз.

– Корхонамиз 2012 йилдан бундан фаолият юритмоқда, – дейди Олмасор туманидаги "Модерн фурнитур" масъулияти чекланган жамияти директори Венера Ботсмонова. – Албатта, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган киши аввало, бозорини ўрганади. Хориждорларнинг талабини, сўнгра бу маҳсулотнинг таннаҳи ва ундан келадиган фойда ҳам назардан қолмайди. Кам харажат қилиб, яхши даромад қўриш, маҳсулотнинг хориждорлигини, айниқса унинг экспортга чиқарилиши қайси тадбиркор орзу қилмайди дейсиз. Хорижлик танишларимдан бирининг таклифига қўра, ушбу бизнес лойиҳани ишлаб чиқдим. Сўнгра пойтахтимиздаги бир нечта кушоналар билан шартнома тузилди.

Бугун мазкур корхонада 15 дан зиёд иш ўрни яратилган. Тайёрлаган маҳсулотлар Миср ва Бирлашган Араб Амирликлари давлатларига юборилмоқда. Унга бўлган талаб йил сайин ошиб, айни вақтда йилга 80 тонна маҳсулот экспорт қилинмоқда. Кейингида Европа мамлакатлари бозорини ҳам забт этиш режалаштирилмоқда. Бироқ, унга талаб икки бозоримизда жуда паст фойзаларни ташкил этади. Унда хорижликлар бу маҳсулотни нима қилар экан, уларнинг ўзида йўқ эканими дея, хайрон бўлаётган бўлсангиз ажаб эмас.

– Ундан хорижликлар соҳаси ва қолбасининг сиртини қоплаш ва шу орқали маҳсулотнинг экологик тозаллигини таъминлаш учун фойдаланади, – дейди корхона директорининг ўринбасари Шерзод Расулов. – Шунда биздаги каби қолбаси маҳсулотларининг ўрамини сиртидаги салафани тозалашга ўрин қолмайди. Маҳсулот тайерлиги аниқлади. Уни экспортга тайёрлаш ҳам қамқаражат. Бунинг учун аввал қўй ичкариларнинг икки томони, сўнгра сирти тозаланиб тузланади. 60 литрли пластмасса идишларга жойланган, экспортга жўнатилади.

Ха, бугун мазкур корхона энг оддий маҳсулот эвазига иш ўринлари яратиб, юртимизга валюта кириб келишини таъминламоқда. Дано халқимиз бекизга "Иш билганга минг танга..." иборасини қўлламаслиги бунинг яна бир исботидир.

Зиёда ВОХИДОВА

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА – ОИЛАНING ЎРНИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ва Учтепа туман кенгашилари томонидан Учтепа туманидаги "Бешқайрағоч" маҳалла фуқаролар йиғинида "Фарзанд тарбиясида – оиланинг ўрни" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ва Учтепа туман кенгаши масъул ходимлари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, "Фаол аёллар" қаноти етакчилари, Республика "Оила" илмий-амалий маркази мутахассислари, Адлия вазирлиги, маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституция-миз қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш ҳамда жорий йилнинг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб номлангани моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилган ушбу давра суҳбатиди фарзандлар тарбиясига янада эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида фикр юритилди.

Яъни, давлат ва жамият томонидан аҳолининг эҳтиёж-манд қатламлари манфаатларини қўллаб-қувватлашга, жумладан, кам таъминланган, барқарор даромадга эга бўлмаган оилалардан чиққан қобилиятли ва истеъдодли болаларни эрта аниқлаш, ногирон болаларни зарур махсус адабиёт ва қўлағчалар билан таъминлашни ўз ичига оладиган инклюзив таълим тизимини янада ривожлантириш, ёш авлоднинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда спорт билан шуғулланишлари учун янада шарт-шароит яратиш, айниқса, қиз болаларни спорт анжумани ва кийимлари билан таъминлаш масалалари бўйича соҳа мутахассислари ва олимларнинг жонли мисолларга таянган маърузалари эшитилди.

– Фарзанд тарбияси, баркамол авлодни воғта етказишда ота-онанинг масъулиятини янада ошириш, оиланинг ролини кучайтириш жуда катта аҳамиятга эга, чунки ўғилдир-қиздир биринчи бўлиб тарбияни оиладан олади, шу муҳитда ўсади, ўғилда, воғта етади, – деди Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбасари Нилуфар Юлдашева. – Шундай экан мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънавий етук, ҳар томонлама уйғун ва баркамол ривожланган, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятга, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга, Ватанимизнинг тақдирини ела-жағи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш авлодни тарбиялаб воғта етказишга ҳар бир ота-она ҳам ўз ҳиссасини қўишни лозимлигини тушунириб боришимиз керак. Ўтказилаётган тадбирдан ҳам айнан мана шу мақсад қўзланган.

Фарзанд тарбиясиде масъулиятли вазифага жойларда иш олиб бораётган "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, хотин-қизлар қўмиталари, "Оила" илмий-амалий маркази, Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси каби қатор ташкилотлар ҳам ўзаро ҳамкорликда тадбирлар, ота-оналар билан ўчрашув ва давра суҳбатлари ўтказиш орқали ўз ҳис-саломини қўишлари лозим. Айниқса, ногирон оилалар, носоглом оилаларда камол топаётган фарзандлар таълим-тарбия-сига қўни қўрган оила вакиллари жалб этган ҳолда биргал-ликда иш олиб бориш билан яхши натижага эришиш мумкин.

Тадбир давомида Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Нигора Ҷиметованинг "Халқ билан мулоқот орқали келажаққа қадам", юридик фанлари доктори, профессор Бобобек Тошевнинг "Болаларни хавфли аҳборотлардан ва ёт гоғлардан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари", педагогика фанлари номзои Муҳиба Ҳамидованинг "Фарзанд тарбиясида – оиланинг ўрни" мавзусидаги маърузалардан йиғилганлар ўзларига керакли тушуноча ва фикрга эга бўлишлар.

Яқунда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда муҳим вазифаларни бажариш, иш самарадорлигини янада ошириш бўйича Ўзбекистон ХДП ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари ва "Фаол аёллар" қаноти олдига турган устувор вазифалар тўғрисида ҳам фикр-мулоқазалар билдирилиб, тегишли тавсиялар берилди.

Шоира МУХАМЕДОВА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, фуқароларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишларини таъминлаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг доимий диққат эътиборида бўлиб келмоқда.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЁТ МАРКАЗЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

Мазкур масаланинг муҳимлиги ва долзарблигини ҳисобга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари соғлиқни сақлаш тизими ҳолатини, хусусан, ихтисослаштирилган тиббий марказлари фаолиятини сифат жиҳатидан яхшилаш усти-дан таъсирчан парламент назоратини ўрнатиш жараёнарига фаол киришдилар.

2017 йилнинг 13 март куни Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилишини бўлиб ўтди. Депутатлар академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия ва Республика ихтисослаштирилган урология марказларининг фаолиятини муҳокама қилдилар.

Таъкидлаш лозим, йиғилишдан аввал парламент аъзолари жойларда ҳақиқий ҳолатни чуқур ўргандилар. Депутатлар юқорида кўрсатилган тиббий муассасалари фаолиятининг амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ келиши, хусусан, фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқининг амалга оширилишини таҳлил қилдилар.

Депутатлар ўз чиқишларида тиббий муассасалари томонидан қонун ҳужжатлари талаблари етарли даражада ижро этилмаётганини, Президентимиз томонидан белгиланган вазифалар сўст бажарилаётганини каби қатор масалаларга эътибор қаратдилар. Ушбу соҳада фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, тиббий хизматларнинг қимматлиги ҳамда ҳудудларда муассасалар филиалларини мавжуд эмаслиги боис ихтисослаштирилган фойдаланиш имкони йўқлиги билан боғлиқ бир қатор масалалар кўтарилди. Ҳар бир ихтисослаштирилган тиббий маркази республика-миз ҳудудларида ўз филиалларини ривожлантиришга доир дастурларига эга бўлиши, жаҳон миқёсидаги етакчи тиббий марказлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиши, марказларнинг ихтисослашу-ви йўналишлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тақомиллаштириши лозимли-ги қайд этилди.

Мажлисида депутатлар мамлакатимизнинг ихтисос-лаштирилган тиббий марказлари фаолиятини сифат жиҳатидан яхшилаш, қонун ҳужжатларини ва унга доир ҳуқуқни қўллаш амалиётини тақомиллаштириш-да ҳокимиятнинг ваколатли ва ижро этувчи бўғина-ри самарали ҳамкорлиги борасидаги тизимли фао-лиятининг муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

Мажлис якунига қўра, Қонунчилик палатаси тиб-бий соҳасини ривожлантириш борасидаги долзарб вазифалар батафсил белгиланган тегишли қарор қабул қилди. Ушбу вазифаларнинг ижро этилиши устидан депутатлар томонидан самарали парламент назорати таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

ЕТУК МУТАХАССИС – СОҲА ИСТИҚБОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Шавкат Мирзиёев-нинг шу йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йил-ларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стра-тегиясида тараққиётимизнинг келгу-си беш йилга мўлжалланган устувор йўналишлари қатори туризм индуст-риясини янада раванқ топтиришнинг аниқ механизмлари белгилаб берил-ди.

Ўзбекистонга сайёҳларнинг келиб-кетиши, маълум муддат яшаш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий асослар та-қомиллаштирилмоқда. Меҳмонхона ва ресторанлар фаолияти, транспорт ва логистика тизими жаҳон стандартла-рига мослаштирилаётди.

Соҳада етук мутахассислар тайёр-лайдиган олий ва ўрта махсус таъ-лим муассасалари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Уларнинг ўқув хоналари, лабораториялари, ах-борот-ресурс марказлари замонавий меъёрлар асосида жиҳозланмоқда. Ўқув жараёни давлат таълим стан-дартларига мос, ёшларнинг қизиқиш ва интилишларига уйғун ташкил этилмоқда.

– Факультетимиз Биринчи Президенти-миз Ислам Каримовнинг 1999 йил 30 июндаги "Ўзбекистонда туризм со-ҳаси учун малакали кадрлар тайёр-лаш тўғрисида"ги Фармонига муво-фиқ очилган, – дейди Тошкент дав-лат иқтисодиёт университетининг халқаро туризм факультети декани Нодир Расулов. – Бу ерда меҳмонхо-на ҳўжалиги, хизматлар қўрсатиш, туризмни ташкил этиш ва бошқариш, логистика ва инфратузилмани рив-ожлантириш бўйича пухта билим ва малакага эга етук мутахассислар ка-молга етмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республи-касининг туризм соҳасини жадал рив-ожлантиришни таъминлаш чора-тад-бирлари тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда нафақат саноҳлик индустриясини жадал тараққий эт-тириш, балки соҳада кадрлар сало-ҳиятини янада ошириш борасидаги ишларни янги босқичга кўтарди. Ушбу муҳим ҳужжат асосида факультетимизнинг ўқув амалиёт маркази ташкил этилди. Барча қўлайликлар-га эга ушбу марказ бугунги кунда таълим жараёнида назария ва амали-ёт уйғунлигини таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

Талабаларнинг амалий машғулот-ларни "жонли" ўтказишида муҳим аҳамият касб этувчи объектлардан яна бири университетнинг "Очик ос-мон остидаги музей" тарихий-мада-ний мажмуасидир. Унинг экспонат-лари қаторидан ноёб меъморий оби-даларимиз макетлари, бой мадани-ятимиз намуналари, кўркам табии-тизмиз манзаралари акс этган стенд-лар жой олган. Бу ерда мамлақати-мизнинг туризм салоҳиятига доир инфо-турлар, турли илмий-амалий

анжуманлар, конференциялар, ўқув-семинарлари, "мастер-класс"лар мун-тазам ўтказилади.

Меҳмонхона ва ресторан бизнеси ривожига хизмат қўрсатувчи касб эгалари, хусусан, официантларнинг алоҳида ўрни бор. Мижозлар кўнгли-дагидек дам олиши учун официант ўз ишининг устаси бўлиши, сифатли хизмат қўрсатиш ва муомала мада-ниятини пухта эгаллаши керак. Фа-культетда меҳмонхоналар ва сайёҳ-лик компаниялари билан ҳамкорлик-да "Энг яхши стол сервиси" мавзуси-да маҳорат сабоқларининг аънавий

байнида туризмни ташкил этишнинг европача стандартларини, меҳмонхо-на инфратузилмаси ва сервисининг замонавий қўринишларини ўрганиш. Эгаллаган билим ва тажрибамиз бу-гун мамлакатимизда туризм менеж-менти ва маркетингини янада ривож-лантириш салоҳиятига эга ёш кадр-ларни тарбиялашимизда асқотмоқда.

Ҳар ўқув йилида ушбу факультет-ни икки юздан ортиқ талаба тамом-лайди. Соҳадаги талаба ва тақлифлар асосида уларни ишга жойлаштириш йўлга қўйилган. Туризмни ривожлан-тириш давлат қўмитаси, "O'zintur",



ОТУЗУМОВ (У)А) янада сўхбатлар

ташкил этилаётганидан кўзланган асосий мақсад – шу.

Факультетда талабалар сайёҳлар-га малакали хизмат қўрсатиш бора-сида сабоқ олиш билан бирга туризм-ни алоҳида иқтисодий фаолият тури сифатида ўрганимоқда. Бўлажак му-тахассислар туризм соҳаси ривож-и инвестицияларни янада қўпроқ жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш-ни ошириш, янги иш ўринлари яра-тиш, туризм хизматларининг сифа-тини юксалтириш ва унинг ноанъ-навий усулларини йўлга қўиш, янги саёҳат йўналишларини жорий этиш бўйича зарур билим ва кўникмалар-га эга бўлмоқда.

Олий таълим даргоҳида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳам-корлигида ташкил этилган иқтидор-ли талабаларнинг "Дебат клуби" фа-олият қўрсатмоқда. Ушбу клубда сай-ёҳлик соҳасига оид энг долзарб мав-зуларда ўзаро баҳс-мунозаралар олиб борилади.

Халқаро туризм факультети Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо. Бу ерда АҚШ, Буюк Британия, Испания, Фран-ция, Греция, Италия, Сингапур, Ма-лайзия каби туризм ривожланган мам-лакатларнинг олий ўқув юртлари би-лан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Профессор-ўқитувчи ва талабалар хорижий мамлакатларда ўтадиган халқаро кўргазмалар, илмий конфе-ренция ва семинарларда мунтазам иштирок этмоқда.

– Ўтган ўқув йилида CANEM лойи-ҳаси доирасида Испаниянинг Лас-Пальмас де Гран Канария универси-тетиди тажриба алмашиб қайтдик, – дейди факультет катта ўқитувчиси Шўҳрат Сайфуддинов. – Ўн ой мо-


"Mard Ulug'bek", "Yasmina-tour", "Real dreams", "Buyuk ipak yo'li" каби сай-ёҳлик фирмалари, "Wyndham", "Lotte City Hotel Tashkent Palace", "Miran International", "Le Grande Plaza", "Malika Tashkent" каби меҳмонхоналар билан ҳамкорлик шартномалари ту-зилган.

Битирувчилар мутахассислик маш-ғулотларини Туризмни ривожланти-риш давлат қўмитасининг ўқув-мас-лаҳат марказида, меҳмонхоналарда, сайёҳлик фирма ва компанияларида ўтатмоқда.

– "Miran International" меҳмонхона-сида туризм сервиси бўйича амали-ёт ўтатмоқдан, – дейди талаба На-зозат Ақромова. – Танланган соҳа-миз-нинг етук мутахассиси бўлиб етиши-шимиз учун барча шароит яратилга-нидан хурсандимиз. Бу эътибор ва ғамхўрлик зиммасизга катта масъ-улият юклаб, замонавий билимларни пухта эгаллашга, юртимиз тараққи-яти, халқимиз фаровонлиги йўлида бор куч ва салоҳиятимизни сафар-бар этишга ундайди.

Мамлакатимизда сайёҳлик соҳаси-да бир минг икки юз элликдан ортиқ фирма ва компания, меҳмонхона фа-олият юритмоқда. Уларда малакали кадрлар – туроператор, гид ва тур-ли йўналишдаги бошқарувчиларга талаб катта. Университетда сайёҳлик соҳасида мунтазам ўтказилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари би-тирувчиларга ушбу фирма ва компа-ниялар фаолияти билан яқиндан та-нишиш, иш тақлиф этувчиларга эса юқори малакали кадрларни танлаш имконини бермоқда.

Дилшод КАРИМОВ
ЎЗА муҳбири



Наврўз – табиат байрами. Чунки бир йилда кун ва туннинг ўзаро нисбати билан боғлиқ тўртта нуқта бўлса, шунинг биринчиси – Наврўз. Бу кун билан туннинг ўзаро тенг келган маҳалини нишонлашдан келиб чиққан. 21 мартда айнан бир кеча-кундузнинг нақд 12 соати – ёруғ, қолган 12 соати – қоронғи бўлади. Бу “баҳорий эътидол (тенгкунлик)” дейилади.

Аждодларимиз янги йилни айнан шу кундан ҳисоблашган. Шунга ҳам камидан тўрт минг йиллар бўлибди.

Наврўздан эътиборан энди куннинг ҳиссаси ортиб, туннинг ҳиссаси қисқариб бораверади. Бу жараён то июнь ойининг учинчи ўн кунлиги бошига қадар давом этади. Бунда энди кун – энг узун, тун – энг қисқа бўлиб қолади.

Сентябрь ойининг учинчи ўн кунлиги бошига бориб яна кун билан тун тенг-лашади. Бу “кузги эътидол” дейилади. Бунинг Наврўздан фарқи шундаки, энди ҳар кун туннинг ҳиссаси ошиб, куннинг улуши камайиб бораверади.

Декабрь ойининг учинчи ўн кунлиги бошида йилнинг энг узун кечаси ва куннинг энг қисқаси бўлади.

Ҳозир одамлар турмуш таъвишлари, техника воситалари билан кўпроқ банд бўлиб, табиатнинг бундай эврилишларига ҳар доим ҳам эътибор беришмайди.

Ҳолбуки, Наврўзнинг байрам қилиниши одамларни табиат билан уйғун бўлиб яшашга ундайди. Ҳар ким ўз юртининг табиатига меҳр қўяди. Она замин табиатига меҳр эса Ватанга муҳаббатни янада мустаҳкамлайди. Табиат уйғонишини, шарқона янги йилнинг киришини бунчалар тантана билан нишонлаш, албатта, киши кайфиятини кўтариб юборади.

Кўтаринки кайфият одамнинг яшаш-иштиёқини, завқини оширади, ҳаётга муносабатини фаоллаштиради, яратувчилик ишқини жўш урдиради.

Наврўзни, ана шундай қудратга эга байрам, деб биламиз.

Бу тўрт нуқта орасида Наврўзнинг эътибори баланд эканига яна бир сабаб шунки, қадимда йил ҳисоби ҳам айнан Наврўздан бошланган. 21 март – янги йилнинг биринчи кунни ҳисобланган.

Аждодларимиз, жумладан, бобокалон шоирларимиз Наврўзда табиатнинг ўзгаришидан, майсаларнинг кўкариб, дарахтларнинг гуллашидан, кун билан туннинг баробар келишидан кўпроқ таъсирланган, хайратга тушган, шукроналар қилган. Улар табиатга яқинроқ бўлиб яшаган. Мустабиллик тузуми камситган қадриятларимизнинг дастлаб қайта тикланганларидан бири ҳам – айнан Наврўзи оламдир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов 1989 йил-

нинг 23 июнида давлатимиз раҳбари бўлган эди. Айнан республика раҳбарининг ташаббуси билан кейинги 1990 йилнинг баҳоридаёқ юртимизда Наврўз кенг ва ошқор байрам қилинди. Ҳолбуки, ушбу йил олдин бу байрамга қарши кураш борган, ҳатто, айримлар унинг ўрнига март ойининг охирида “Навбахор” деган янги байрам жорий этиш таклифини ҳам билдирган эди. Бундан ҳар қанча кўз юммайлик, тарих тарихлигича қолади...

Жорий этилиши ва моҳиятига кўра, Наврўзнинг сиёсатга, мафкурага, динга бевосита алоқаси йўқ эди. У – соф табиат байрами. Шу билан бирга, у шарқона, минтақавий, ўта миллий байрам. Айнан ана шу – миллий бўлгани учун ҳам эски тузум ва унинг ҳукмрон мафкураси уни чеклади. Чунки ўша вақтда си-

нинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатидан жой олган эди. 2010 йили эса БМТ Бош Ассамблеясининг 64-сессиясида “Наврўз халқаро кун” деган резолюция қабул қилинди.

2013 йили Ўзбекистон Республикасининг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонаси ташаббуси билан БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Наврўз байрами тантанали равишда нишонланди.

Шу тариқа Наврўзимиз жаҳоний миқёсда касб эта бошлади. Унинг нуфузли халқаро ташкилотларда нишонланиши шундай дейишимизга тўла асос беради.

Истиқлол йилларида Наврўз халқимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Бу байрам тарихда мисли кўрилмаган миқёс ва моҳият касб этди.

НАВРЎЗИ ОЛАМ САЙЛИ – АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ РАМЗИ

ёсат мустамлака миллатларнинг эркин равишда топилгани сира-сира истамас эди. Наврўзга ҳужум моҳиятдан миллатга ҳужум эди. Шундай даврлар ҳам бўлдики, динга қарши кураш байроғи остида библи-билмай Наврўзда халқ пиширган сумалагу ҳалим қозонларини тўнтариб ташлаганлар ҳам топилди.

Бироқ халқ – халқ-ди. У собиқ тузум даврида ҳам Наврўзни байрам қилаверди. Фақат энди ҳар ким уни ўз-ўзича, таъйик бўлган маҳалларда, ҳатто, яширинча нишонлади.

Бугун шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кўп минг йиллик ўтмиши давомида Наврўз юртимизда ҳеч қачон ҳозирги даражада кенг миқёсда умумхалқ байрами сифатида нишонланган эмас.

Наврўз икки маънога кўра халқаро байрамлар сирасига қиради.

Биринчидан, у тўрт минг йилдан буюн Марказий Осиё, Эрон, Афғонистон, Кавказ ва шу улкан ҳудудлардаги бошқа халқларнинг баҳорни қарши олиш байрами сифатида нишонлаб келинган.

Иккинчидан, 2009 йили Наврўз ЮНЕСКО-

Авалло, у миллий урф-одат, аъана ва қадриятларимизни қайта тиклаш ва тақомиллаштириш имконини беради. Байрам шарофати билан кишилар ўртасида меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат, дўстлик, биродарлик, ҳамкорлик, бирдамлик, сажоват, мурувват, ҳашар ва бошқа фазилатлар янада кенгроқ тарғиб қилиниб, уларга амал қилиш имконияти кучайди.

Наврўзда маҳалла-қўй, бог-роғ, ишхоналар, зиёратгоҳлар обод қилинади. Қолаверса, Наврўз амалда мамлакатимиздаги барча миллат ва элатларнинг умумий байрамига, турли ирқ, дин, миллат вакилларининг бирдамлиги тантанасига айланди.

Бундан ташқари, Наврўзни умумхалқ байрами сифатида кенг миқёсда нишонлаш орқали биз – қатталар фарзандларимизга азалий қадриятларимизни сингдириямиз. Байрам кунлари кам таъминланган оилалар аъзолари, муҳтож, кекса, ногирон кимсалар ҳолдан хабар олинади, уларга ҳиммат қўли чўзилади. Ўзаро гапи келишмай қолган

кишилар ҳам Наврўз баҳона ярашиб олади. Буларнинг барини ёшларимиз кўриб турибдими? Уларга шу фазилатларимиз юқади-ку, ахир!

Президентимизнинг “2017 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги яқинда қабул қилинган Қарори асосида бу қўтлуг айёмни юқори савияда нишонлаш мақсадида жойларда саъй-ҳаракатлар бошланиб кетди. Қўвонарли томон шундаки, қўт-барақа, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлиши Наврўз фаслида маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларда ҳашарлар, кенг қўламдаги ободончилик ва қўқаламзорлаштириш ишлари ташкил этилади. Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда ўтказиладиган халқ сайиллари дастурларини тайёрлашда халқ ўйинлари, фольклор санъатининг энг яхши намуналарини, элу юртининг дилидан чуқур жой олган, қадимий урф-одатлар, эзгу инсоний туйғулари тараннум этиладиган қўй ва қўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин берилади.

Мамлакатимиз, жумладан, пойтахтимизда ҳам Наврўзни умумхалқ байрами сифатида нишонлаш борасида жуда катта таъриба тўпланди, янги-янги аънавлар шаклланди. Бу тўхтаб қоладиган жараён эмас. Йилдан-йилга табиат байрамини янада муносиброқ нишонлаш йўллари изланипти, улар аъананага айланиб борапти.

Юқорида таъкидланганидек, бу йил Наврўзни, асосан, халқ сайиллари тарзида нишонлаш режалаштириляпти. Амалда ҳар бир туманимизнинг бир неча ерида сайиллар ташкил этайлик. Бу ерларда дорбозларимиз дор ўйнасин, карнай-сурнай садолари оламни тутсин, халқ-этнографик ансамбллар концерт берсин. Мамлакатимиз, жумладан, шаҳримиздаги ҳар бир миллий маданият маркази фаоллари ўз миллий санъатини намойиш этсин. Дастурхонларга турли миллатлар вакилларининг ранг-баранг таомлари тортилсин. Ҳар биримизнинг мана шундай кўпмиллатли мамлакатда яшаётганимиздан дилимиз яйрасин.

Наврўз бизни бирлаштиради. Динимиз, миллатимиз, ижтимоий аҳолимиз, ёшимиз, жинсимиздан қатъи назар, ҳаммамиз бир дастурхон атрофида бирлашайлик, бир қозондан сумалак, ҳалим, ош ёки бир тандирдан қўқ сомсалар ейлик. Бунга кўриб, бори олам бизга ҳавас қилсин!

Шундай экан, Наврўзи олам сайли – ҳамиша азалий қадриятларимиз рамзи бўлиб қолажак!

Олим МАҲМУДОВ



ҲИҚМАТЛАР ҲАЗИНАСИ

Наврўз – янгиланиш, янги кун, янги ҳаёт, поклик ва шодлик, маънавият ва бирдамлик тантанаси.

Наврўзи олам – миллий ифтихор, ўзликни англаш ва ҳамжиҳатлик рамзи.

Наврўз – эзгулик тимсоли, ёруғ орзу-умидлар фасли.

Яхшилик ва эзгулик яратиш учун киши меҳнат қилиши, ўз қўллари билан ноз-неъматлар яратиши лозим.

Наврўз – ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховати, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодасидир.

Ҳар кунинг бўлсин Наврўз!

Ҳалол меҳнатдан яхши фазилат йўқ.

Меҳнатидан элни баҳраманд қилган одам – қадр топади.

Ҳаётнинг илдизи ерга қадалган.

Табиат – билимлар ҳазинаси.

Ер – ҳазина, сув – олтин.

Далаларга сепин ёйиб келди

Наврўзим,

Дов-дарахтлар чирой очиб келди

Наврўзим,

Бошда дўппи, қошда ўсма келди

Наврўзим,

Соч жамалак, қош камалак келди

Наврўзим.

Ҳаётни кузатиб, одамларнинг турмуши, тақдири, хатти-ҳаракати, феъл-атворини кўриб ибрат олиш, хулоса чиқариш керак.

Ҳар бир инсон учун ҳалоллик – кўпчилик бахт-саодати учун яшаш, умум иши учун шахсий манфаатдан ҳам кечиш деган сўз.

Тўрт нарсга ҳамма учун керак: саломатлик, гўзал хулқ, ростгўйлик ва ҳалол меҳнат.

Бир донишманд шундай дейди:

– Сен то қувватинг бор экан, доимо ростгўйлик ва тўғрилиқ йўлини тут. Шунда сен саодат чаманидан муддао гулини терасан.

Ўн хислатни қўлдан бермаслик лозим: тўғрилиқ, ҳалоллик, инсоф, мулойимлик, қарияларга ҳурмат, кичикларга шафқат, қаноатли бўлиш, вафодорлик, ифбат ва адолат.

Эй одамлар! Тарбия шундай азиз бир нарсаки, у инсонни ҳамма вақт тўғри йўлдан олиб боради. Одамларнинг тарбияли ва тарбиясиз эканликлари юриш-туришидан, муомала ва муносабатларидан кўриниб туради. Тарбияли одам ўзини катта тутмайди, манманликка йўл қўймайди.

НАВРЎЗИ УМУМХАЛҚ БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ ЎТҚАЗИЛАДИГАН МАЙДОНЛАР ВА ИСТИРОХАТ БОҒЛАРИ

Туман номи	Наврўз сайиллари бўлиб ўтадиган майдонлар ва истирохат боғлари
Шаҳар асосий сахна	Шайхонтохур тумани “Локомотив-Анхор” боғи ёнидаги майдони
Бектемир тумани	“Қуёшча нури” боғи ҳудуди Бинокор шаҳарчаси
Миробод тумани	Фуркат номидаги маданият ва истирохат боғи “Темирийўлчилар” маданият саройи
Мирзо Улуғбек тумани	Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истирохат боғи М.Шастри майдони ёнидаги ҳудуд (эски Ҳайвонот боғи) “Локомотив” номидаги маданият ва истирохат боғи Академиклар шаҳарчаси ҳудудидаги Мирзо Улуғбек хайкали орқасидаги майдон
Сергели тумани	“Грин Парк” маданият ва истирохат боғи (собиқ “Соҳил” боғи) Сергели туман ҳокимлиги ёнидаги “Қамолот” боғи ҳудуди
Учтепа тумани	“Боғи шамол” маданият ва истирохат боғи
Олмазор тумани	Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истирохат боғи Олмазор тумани ҳокимлиги орқа ҳудудида жойлашган “Нурафшон” маданият ва истирохат боғида
Чилонзор тумани	Алишер Навоий номидаги “Ўзбекистон” маданият ва истирохат боғи Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истирохат боғи
Шайхонтохур тумани	Ўзбек Давлат цирки олди майдони Ибн Сино мавзесида янги ташкил этилган боғ ҳудуди
Юнусобод тумани	Сайилгоҳ майдони Тошкент Ҳайвонот боғи олдидаги майдон
Яккасарой тумани	Бобур номидаги маданият ва истирохат боғи Пушкин боғи ҳудуди Республика Байналмилал маданият маркази биноси олдида
Яшнобод тумани	“Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Маънавият маърифат маркази” (собиқ “Авиасозлар” маданият саройи) майдони

Реклама ўрнида

"NIGON SERVIS"

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

барча юрtdошларимизни элимизга қутлуг
қадамлар, хайру барокатлар, эзгу ниятлар билан
ташриф буюраётган фусункор баҳор айёми –
Наврўзи олам билан муборакбод этади.

Барчангизга сиҳат-саломатлик,
фаровонлик ва шодлик тилаймиз.

Баҳорий кафият сизни ҳеч қачон тарк этмасин!



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 31 март куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 21-уйда бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари такдоран қўйилмоқда:

Миробод СИБ томонидан 1. 24.10.2016 йил №24901/11-сонли ижро иши асосида хатланган: 1998 й/и/ч, д/р/б 01T536WA "Hyundai-Sonata". Бошлангич нархи 28 470 880 сўм. 2. 21.11.2016 йил №32483/11-сонли ижро иши асосида хатланган: 1983 й/и/ч, д/р/б 01S985TA "BA3-21013". Бошлангич нархи 5 065 679 сўм. 3. 24.10.2016 йил №24897/11-сонли ижро иши асосида хатланган: 2014 й/и/ч, д/р/б 40K514LA ГБА СПГ "Nexia Dopc". Бошлангич нархи 46 500 000 сўм. 4. 24.10.2016 йил №24905/11-сонли ижро иши асосида хатланган: 2009 й/и/ч, д/р/б 80D802AA "Nexia-2". Бошлангич нархи 27 200 000 сўм. 5. 24.10.2016 йил №24906/11-сонли ижро иши асосида хатланган: 2014 й/и/ч, д/р/б 01T137TA "3A3 Forza". Бошлангич нархи 37 400 000 сўм. 6. 21.11.2016 йил №32478/11-сонли ижро иши асосида хатланган: 2009 й/и/ч, д/р/б 50Z245JA ГБА СПГ "Nexia Dopc". Бошлангич нархи 33 059 281 сўм. 7. 24.10.2016 йил №24894/11-сонли ижро иши асосида хатланган: 1994 й/и/ч, д/р/б 01V340AA "GA3-330210". Бошлангич нархи 25 588 488 сўм. 8. 24.10.2016 йил №24895/11-сонли ижро иши асосида хатланган: 2011 й/и/ч, д/р/б 01U043JA "Spark". Бошлангич нархи 28 917 934 сўм. 9. 24.10.2016 йил №24893/11-сонли ижро иши асосида хатланган: 2009 й/и/ч, д/р/б 60N634JA ГБА СПГ "Nexia Dopc". Бошлангич нархи 28 733 750 сўм. Автотранспортлар Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази жарима майдонида сақланмоқда.

Юнусобод ЖИБС 24.03.2014 йил 1-12/14 даги ҳуқуқи асосида берилган ижро варақасига асосан Тошкент ш. Мирзо Улугбек т. СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар такдоран аукцион савдосига қўйилмоқда: 1. 1943 й/и/ч, д/р/б белгиси 01 043 МАА, қора рангли, "Крайслер" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 3 381 121 сўм. 2. 1999 й/и/ч, д/р/б белгиси 01 905 ДАА, оқ рангли, "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 16 176 600 сўм. 3. 2008 й/и/ч, д/р/б белгиси 01 275 ЕАА, т/в юк (фургон), ранги белый (оқ), "АГБСПГ-ГА330200-1414-21" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 37 620 000 сўм. 4. 2008 й/и/ч, д/р/б белгиси 01 921 ДАА, боровица рангли, "ЛАДА-11193-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 19 750 500 сўм. 5. 2006 й/и/ч, д/р/б белгиси 01 922 ДАА, калина рангли, "ЛАДА-11183-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 18 339 750 сўм. 6. 2008 й/и/ч, д/р/б белгиси 01 908 ДАА, слива металллик рангли, "ЛАДА11174-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 18 810 000 сўм. 7. 2006 й/и/ч, д/р/б белгиси 01 911 ДАА, сочи металллик рангли, "BA3-21104" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 18 810 000 сўм. 8. 1956 й/и/ч, д/р/б белгиси 01 056 ТАА, қора рангли, "ЗИМ-12" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 12 953 288 сўм. 9. 1969 й/и/ч, д/р/б белгиси 01 069 ТАА, қора рангли, "Опель Адмирал" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 7 935 970 сўм. 10. 1941 й/и/ч, д/р/б белгиси 01 041 МАА, кулранг рангли, "ГОНОМАК" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 9 129 028 сўм. Автомобиллар такдоран савдога қўйилмоқда: "Auto Plaza Service" МЧЖ, Шайхонтохур тумани, Лайлитўғон кўчаси, 1.

2017 йил 14 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдоларига: Тошкент ш. хўжалик судининг №38334/5 21.11.2016 йилги ижро варақасига асосан Мирзо Улугбек СИБ томонидан хатланган Тошкент ш. Мирзо Улугбек т. Паркент кўчаси, 131-уй манзилида сақланмоқда: 1. 2014 й/и/ч, д/р/б 01M005919 "Ласетти" русумли автотранспорт. Бошлангич баҳоси 68 573 654 сўм. 2. 2016 й/и/ч, д/р/б 01M000702 "Ласетти-2" русумли автотранспорт. Бошлангич баҳоси 71 253 017 сўм. 3. 2012 й/и/ч, д/р/б 01M004664 "Малибу" русумли автотранспорт. Бошлангич баҳоси 110 576 596 сўм. 4. 2014 й/и/ч, д/р/б 01M005735 "Mercedes benz E300" русумли автотранспорт. Бошлангич баҳоси 306 936 000 сўм.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни хар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризалар савдодан 1 (бир) иш куни олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда хар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси- "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 2020800004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz. Маълумот учун телефон: +99898 305-11-81 Ғувоҳнома 5477

"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали "Тошкент оқшоми" газетасининг 2017 йил 1 мартдаги №42 (13.375) сонидида чоп қилинган 2001 й/и/ч, д/р/б белгиси 01/685LCA Нексия автотранспорт воситасининг савдодан олинганлигини маълум қилади. Асос: Бектемир т. СИБнинг 28.02.2017 йил №1864/8-сонли хати.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 апрелдаги 102-сонли ва 28 июндаги 215-сонли қарорлари ва "Тошхўжалик-мат" АЖ бошқаруви қарори ҳамда "Тошкент трамвай" УКнинг 2017 йил 10 мартдаги 139-сонли буюртмасига асосан қуйидаги қўчмас мулк қўйилмоқда:

Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 55-уй манзилида жойлашган 16,227 м² кв.м, ер майдони 6,069 га бўлган бино ва иншоотлар. Бошлангич баҳоси – 7 999 690 847 сўм. Аукцион савдоси 2017 йил 17 апрель куни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати – 2017 йил 14 апрель куни соат 18:00.

Кўчмас мулк 2017 йил 17 апрель куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2017 йилнинг 2, 17, май, 2, 19 июнь кунлари соат 12:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охири мuddати: 2017 йилнинг 2 майддаги савдо учун 28 апрель куни, 17 майддаги савдо учун 15 май куни, 2 июндаги савдо учун 31 май куни, 19 июндаги савдо учун 16 июнь куни соат 18:00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ғувоҳнома-нинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;
- жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда вақили қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо солиқига 20 (йигирма) банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотида шартномасини тузиш мажбуриятини оқлатилади. Мулкнинг тўлиқ тўловини амалга ошириш мuddати олди-сотида шартномаси тузилганда белгиланади.

Очик аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан мулк бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АЙТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, СТИР:207122519 х/рга савдода иштирок этиш учун ариза топширигига қадар тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темури 1-тор кўчаси, 6-уй. Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/Факс: (0371) 228-80-23. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001. Электрон почта: rieltasvdo@inbox.uz.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Сергели туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 20.06.2014 йилдаги №10-1410/7037-сонли ижро варақасига асосан қарздор "SUNG CHANG TASHKENT" МЧЖга тегишли Тошкент вилояти, Юқори-чирчик тумани, Барданқўл ҚФД Дустлик қишлоғида жойлашган жами майдони 1550.35 кв.м дан иборат бино ва иншоотлар такдоран қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси – 361 887 162 сўм. Аукцион савдоси 2017 йил 3 апрель куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2017 йил 31 март куни соат 18:00. Қўчмас мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда АЙКБ "Ипак йўли банки" Сағбон ф-даги: МФО: 01036, СТИР: 207122519, 20208000204920609019 х/р га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризаларни қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй.Тел: (0371) 228-80-32, Факс:(0371) 228-80-24. www.1kms.uz. Лицензия RR-0001. Электрон почта: rieltasvdo@inbox.uz.

"GREEN TRADE EXPORT" (СТИР 304 634 386) масъулияти чекланган жамияти таъсисчисининг 2017 йил 13 мартдаги қарорига мувофиқ, жамият хусусий корхона шаклида қайта ташкил этилмоқда. Ариза ва муносабатлар қуйидаги манзилда қабул қилинмоқда: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Катта Хирмонтепа кўчаси, 1-уй.

"CHIN-CHINOR" МЧЖнинг (ИНН 302723024) бурчак тамгаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"IZLANISH FARIM" хусусий корхонаси (ИНН 203613621) устав фондининг 2 494 868 сўмдан 740 000 сўмга қисқартирилганлиги ҳақида маълум қилади.

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бир ой давомида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади +99870 324-93-41.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри" Давлат корхонаси томонидан "ASIL-NON" МЧЖ номига 26.12.2007 йилда берилган реестр рақами 9-538/2007 кадастр ҳужжатининг ТА № 0475144-сонли бино-иншоот ғувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"EVROMETAL-AZIA" масъулияти чекланган жамияти (ИНН 206428517) жамият устав фондининг 543 434 367.34 сўмдан 199 455 682.44 сўмга қисқартирилганлиги ҳақида маълум қилади. Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади +99871 255-76-74

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти жамоаси институт "Йўл қурилиш машиналари ва жихозларини таъмирлаш ва эксплуатацияси" кафедраси профессори Рустам Уткуров Шукуровга волидай муносабати

Марғуба Закировна ШУКУРОВАНING вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 15 март куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмади. Кечаси ва эрталаб туман тушибди ҳужуми бор. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат

кечаси — 1-3 даража совуқ, кундузи — 10-12 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 15 мартда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтаамтига» — 233-74-05 телефонига муносабат қилишнинг мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 335

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12959 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 15.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ